

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ (ЎЗБЕКИСТОН) ВА  
БРУК ХАУС КОЛЛЕЖИ, АНГЛИЯ  
ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА МЕМОРАНДУМИ**

Икки томон ўртасида дўстона муносабатлар ва ўзаро англашув ўрнатиш, шунингдек, олий таълим ва тадқиқот соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Тошкент давлат юридик университети ва Брук Хаус коллежи (бундан буён матнда “Томонлар” деб юритилади) ушбу ўзаро англашув меморандумини туздилар:

**1-модда**

Ушбу меморандумнинг асосий мақсадлари ҳар икки томоннинг турли қўшма таълим лойиҳаларини ўзаро ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат:

– Буюк Британия ва дунёнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун университет асоси дастури бўйича таълим бериш,

– семестр ва ёзги мактаблар давридаги қисқа курслар давомида ўқитувчиларни ўқитиш,

– БХК ва университет ўртасидаги мураббийлик тизимида асосланган яқунлаганлиги тўғрисидаги сертификат бериш йўли билан ўқитувчиларни онлайн ўқитиш,

– талабалар учун семестр мобайнида ёзги мактаб ва қисқа муддатли курслар ташкил этиш,

– сертификат бериш йўли билан қисқа онлайн курслар ташкил этиш,

– талабалар ва ходимлар учун алмашув дастурлари ташкил этиш.

Меморандумни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар иштирокчилар, ҳомийлар томонидан қопланади.

Томонлар ушбу меморандум икки таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилишини тушунадилар ва шунга келишиб олдилар, бу ўзаро алмашинув шартлари ва ўзаро алоқалар тафсилотлари билан алоҳида келишувларда белгиланади.

Ушбу меморандумда санаб ўтилган ҳамкорликнинг ушбу шакллари ҳамкорликнинг янги шаклларини ишлаб чиқишга тўсқинлик қилмайди, ушбу ҳолатда томонлар лойиҳа таклифини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг тегишли қоидаларига риоя этишлари лозим.

**2-модда**

Томонлар олий ўқув юртларининг бошқарув тузилмаларида ишлаш

тажрибасини ошириш, илмий масалалар бўйича ахборот алмашиш ва самарали ўқитиш усуллари кенгайтиришга ҳаракат қилишга келишиб олдилар.

### **3-модда**

Томонлар эришилган ютуқларни намойиш этувчи дарсликлар, ўқув қўлланмалари, нашрлар ва бошқа материаллар, шунингдек, электрон ҳуқуқий ресурслар билан алмашиш, шунингдек, ўқув материалларини ҳамкорликда тайёрлаш ва нашр этиш истагини билдирдилар, барча харажатлар буюртмачи ташкилот томонидан қопланади.

### **4-модда**

Томонлар Буюк Британиянинг 3-даражали NQF қўшма ёки икки томонлама сертификат бериш каби қўшма таълим дастурларини амалга оширишда ҳамкорлик қилади.

### **5-модда**

Томонлар Буюк Британиядаги университетлар билан бакалаврият, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича ҳамкорликни ривожлантириш, битирув малакавий ишлари, магистрлик ва докторлик диссертацияларига илмий раҳбарликни амалга оширишда, шунингдек масофавий таълим дастурлари ва қўшма касбий қайта тайёрлаш дастурларини амалга оширишда ҳамкорлик қилади.

### **6-модда**

ТДЮУ томонидан мувофиқлаштирилган юридик коллежлар Брук Хаус коллежи билан ушбу меморандум доирасида қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

- дунёдаги Буюк Британия университетларига ўқишга кириш учун университет асоси дастури бўйича таълим бериш,
- талабалар ва ходимлар ва бошқалар учун алмашув дастурлари ташкил этиш, барча харажатлар Буюк Британияга сафар иштирокчилари томонидан қопланади.

### **7-модда**

Ушбу меморандумга мазкур меморандумнинг ажралмас қисмини ташкил этувчи ва ушбу меморандумда назарда тутилган тартибда кучга кирадиган томонлар ўртасидаги ёзма протоколлар орқали томонларнинг ўзаро розилиги билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.


## 8-модда

Ушбу меморандум ҳар икки томон томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 5 йил давомида амал қилади. Агар меморандумнинг амал қилиш муддати тугашидан 6 ой олдин бирор томон ушбу меморандумни бекор қилиш ёки унинг шартларини ўзгартириш истагини ёзма равишда билдирмаса, ушбу меморандум кейинги 5 йил давомида автоматик равишда узайтирилган ҳисобланади.


Ушбу меморандум ўзбек, рус ва инглиз тилларида учта асл нусхада тузилган бўлиб, ҳар учала матн ҳам бирдек уқтирилган.

Ушбу меморандум 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни  
\_\_\_\_\_ шахрида имзоланди.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**адлия вазири ўринбосари –**  
**Тошкент давлат юридик**  
**университети ректори**  
**Др. Раҳим Ҳақимов**

  
\_\_\_\_\_  
“ ” \_\_\_\_\_, 2020

**Брук Хаус коллежи**  
**Ҳамкорлик бўйича директори**  
**Рейчел Кейн**

  
\_\_\_\_\_  
“29” April, 2020